

# O'ZBEKISTON



# OVOZI

IJTIMOIIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

• 2006-yil • 25-iyul • Seshanba • 84 (27.576) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

## МДХнинг МОСКВА САММИТИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 21-22 июль кунлари Россия Федерацияси пойтахти Москва шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгашининг норасмий саммитида иштирок этди.

Кремлга Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Озарбойжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко, Молдова Республикаси Президенти Владимир Воронин, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ва Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиев йиғилдилар.

Музокарада МДХни ислоҳ қилиш ва Ҳамдўстлик доирасида гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантиришга оид масалалар муҳокама қилинди. Аъзо давлатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп ёқлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Таъкидланганидек, аъзо давлатлар ўртасида қарийб барча соҳалардаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга хизмат қилиши лозим бўлган мазкур ташкилотнинг

салоҳияти тўла ишга солинмапти. Бу, аввало, аъзо давлатларнинг муайян масала юзасидан келишувга эришишининг қийинлиги билан боғлиқ. Бунга эркин савдо зонаси билан боғлиқ масала неча йилдан буюн ечим топмаётгани мисол бўла олади.


Қолаверса, турли бюрократик тўсиқлар, самара бермаслиги аввалдан аён бўлган ташаббусларни илгари суриш орқали сиёсий оғру орттиришга уринишлар, айрим шартнома ва битимларнинг қоғозда қолиб кетаётгани ҳам МДХнинг ривожига тўсиқ бўлмоқда.

Гуманитар ҳамкорлик Ҳамдўстлиқни ривожлантиришда муҳим ўрин тутди. Илм-фан ва таълим, маданият ва саноат, спорт, соғлиқни сақлаш соҳалари вакиллари билан бевоқиф алоқаларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш давлатлараро муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади. Москва саммити қатнашчилари гуманитар соҳадаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга оид масалани атрафлича муҳокама қилдилар.

Россия Президенти В.Путин учрашув қатнашчиларини «Катта саккизлик» мамлакатларининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган саммити яқунлари билан таништирди. Унда қўрилган масалалар — энергетик хавфсизлиқни таъминлаш, фан-таълим ва юқори технологияларни ривожлантириш, юқумли касалликларнинг тарқалиши каби дунёвий муаммоларнинг ечими Ҳамдўстлик доирасида ҳам долзарб.

Москва сафари чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қирғизистон Республикаси Президенти Курманбек Бакиевни ўз қароргоҳида қабул қилди. Қирғизистон раҳбарининг илтимосига биноан бўлиб ўтган мазкур учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва истиқболларига доир масалалар муҳокама қилинди.

Анвар БОБОЕВ,  
ЎЗА МАХСУС МУХБИРИ.  
Тошкент — Москва — Тошкент.



Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш зарурки, эртанги, узок давомли режаларимизни қурар эканмиз, юртимизни бошқа давлатлар ва минтақалар билан боғлайдиган йўللار ва коммуникациялар барпо этиш масаласи доимо бизнинг эътибор марказимизда туради.

Ислам КАРИМОВ

Бугунги кунда мамлакатимизнинг Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари ҳудудини улкан қурилишлар минтақасига ўшатиш мумкин. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси темир йўл қурувчиларининг ғайрат-шижоати билан Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон янги темир йўл линиясини барпо этиш ишлари жадал кетмоқда.

Янги темир йўл линиясининг учинчи босқичи Бойсун — Деҳқонобод участкасидаги бири-бирдан баланд, мураккаб кўприклар устига пўлат излар ётқизилмоқда. Жойларда тоғ қояларини 85 метргача баландликда ёриб ўтишга ва яна чуқурлиги 40-50 метрчалик пастлик ерларни тупроқ билан тўлдириб, «кўтарма»лар ҳосил қилишга тўғри келмоқда. Уз навбатида Россия Федерацияси, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа хорижий давлатлардан келтирилган замонавий техника воситалари қурувчилар оғирини енгил қилишда қўл келаяпти.


...Янги йўл қурилиши поёнига етгач, йўловчи ва юк поездлари денгиз сатҳидан қарийб 1600 метр баландликдан юради. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларини боғловчи Оқработ темир йўл бекати айна шу нуқтага тўғри келади...

Темирйўлчилар мамлакатимиз мустақиллигининг 15 йиллигига катта меҳнат тўхфаси ҳозирламоқдалар.

Сувонқул РУСТАМОВ

## ПОЕЗДЛАР 1600 МЕТР БАЛАНДЛИҚДАН ЮРАДИ

Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон  
темир йўл қурилишида



Суратларда: «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» янги темирйўл линиясининг Қумқўрғон — Бойсун участкаси йўл қурилишидан лавҳалар.  
Муаллиф ва Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар.



15  
МУСТАҚИЛЛИК —  
ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

## ФРАНЦИЯ СЕНАТИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКISTONДА

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Франция Сенатининг Молия бўйича комиссияси раисининг ўринбосари Эмери де Монтескью бошчилигидаги делегация 24 июль кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раиси Илғизар Собиров билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Франция ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик алоқаларига доир ма-

салалар муҳокама қилинди. Ҳамкорлиқни мустаҳкамлаш ва янада кенгайтиришда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Ўзбекистон ва Франция парламентлари ўртасида мунтазам йўлга қўйилган ўзаро тажриба алмашиш аниқласи икки мамлакат сенатлари фаолиятида ҳам ўз ифодасини топган.

(ЎЗА)

Мамлакатимиз ғалла хирмони 6 миллион 100 минг тоннадан ошди!

# ХИРМОНГА ДОН ТУШИБ, ТАНДИРДА НОН ПИШИБ

ҚУВОНЧГА ТЎЛДИ КЎНГИЛЛАР...

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон ғаллакорларига йўлаган табригидега хусусан шундай сатрлар бор: **Эл-юртимиз хирмони донга, кўнгилларимиз қувончга тўлиб турган мана шундай хурсандчилик кунларда барчамиз қўли қадок, кўпни кўрган, бошидан не-не синовларни ўтказган захматкаш деҳқонларимизнинг меҳнат жасорати олдида бош эгиб таъзим қиламиз.**

Қаранг, Президентимизки, захматкаш деҳқон меҳнати олдида бош эгиб таъзим қиламиз, деб турибди...

Чиндан ҳам ўйлаб қоласан, киши. Яқин-яқингача халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган бир неча миллион тонналик дон минг машаққатлар эвазига четдан келтирилган ўлкамизда кўхна тарих олдида уммондан томчидек давр — 15 йиллик Истиқлол йилларида чинакам мўъжиза рўй берди. Кечагина юз минг тоннанинг нариберисидега буғдой етиштирилган юртимиз кенгликларидега бугун миллион-миллион тонналик олтинранг хирмонлар товланиб турибди. Мустақилликкача пахтадан бўлак экин экилмаган далалар бугун минг-минглаб гектарлик ғаллазорлар билан мавжларга тўлди. Деҳқоннинг омборига дон тушиб, тандирда нон пишиб, дастурхонига фойз кирди. Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов айтганди:

**Юртим, буюқлигинг билди кенг жаҳон,  
Тўлди омборларинг ўз донинг билан.  
Сийлайсан оламини ёзиб дастурхон,  
Меҳнатдан яралган шу нонинг билан...**

Дарвоқе, бугун Ўзбекистоннинг ғаллачиликни ривожлантириш борасидаги катта имкониятларини бутун жаҳон билиб, гектаридан 70-80 центнергача сара дон олаётган омилкор деҳқонлар борлигини кўриб турибди.

...Ҳаётда оддий бир ангилдан тортиб, оламшумул гоъларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг амалга ошиши ҳаммаишамангил кечавермайди. Шу маънода Истиқлолнинг илк кунлариданок, давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан бошланган «Ўз донимиз, ўз нонимиз!» сиёсати ҳам осонликча амалга ошгани йўқ. Соҳа ривожига доир Миллий дастур ижросига қиришилган кезлардаги кўрсаткичлар билан бугунги кўрсаткичларни таққослаб кўринг: 1990-1991 йилларда ҳаммаси бўлиб Ўзбекистонда 940 минг тонна ғалла етиштирилди. Ўртача ҳосилдорлик бор-йўғи 17 центнер эди...

Ҳолбуки, ўша пайтларда ҳар бир киши йилга ўртача 170 килограммдан дон маҳсулотлари истеъмол қиларди. Натижанда, республикамизга йилга четдан 3 миллион тоннага яқин буғдой келтирилди.

2-бет



«Жаҳон» АА

O'zbekiston havo yo'llari  
**TOSHKENT**  
XALQARO  
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

**O'ZSANOATQURILISHBANK**  
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!  
Tel.: 120-45-01, 120-45-82, 120-45-05, факс: 133-34-26  
www.uzpsb.uz e-mail: info@uzpsb.uz

Хизматлар лицензияланган

**TOSHKENT SHAHAR**  
MUNITSIPAL BIJA MARKAZI  
MULKIDORGA HANKORI  
Tel.: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74  
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Bija@mail.tps.uz

Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида  
барча банк хизматлари  
Сизнинг муваффақиятингиз учун!  
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР

Хизматлар лицензияланган





